

"Озодлик" радиосининг хабар беришича, 17 йилдан буён Ўзбекистон қамоғида ўтирган журналист, 63 ёшли сиёсий маҳкум Муҳаммад Бекжон жазо муддати тўла ўталгани ортидан 22 феврал куни қамоқдан озод қилинди. 2011 йили озодликка чиқишига бир ой қолганида унга қўшимча айблар қўйилиб (раскрутка) жазо муддати 4 йилу 8 ойга узайтирилган эди. Бу муддат тугаши билан Муҳаммад Бекжон Зарафшондаги жазони ижро этиш масканидан озод қилинди.

Сиёсий маҳбус Муҳаммад Бекжон 22 феврал куни пешинга яқин Зарафшон қамоқхонасидан озод қилинган.

У ерда маҳкумни акаси Комил ва Жуманазар Бекжонлар кутиб олишган.

Муҳаммад Бекжон озодликка чиққанидан ярим соат ўтиб "Озодлик" радиоси мухбири билан суҳбатда кайфияти яхши экани, акалари билан Хоразмдаги қариндошларини уйига кетаётганини айтди.

Муҳаммад Бекжон "Эрк" демократик партияси раҳбари Муҳаммад Солиҳнинг укаси ва «Эрк» газетасининг собиқ бош муҳаррири бўлгани учун узоқ йиллардан бери қамоқда қолаётгани ҳуқуқ ҳимоячилари тарафидан айтиб келинади.

Муҳаммад Бекжон 1999 йилдаги Тошкент портлашлари ортидан Киевдаги уйдан ўғирлаб кетилган



МУҲАММАД БЕКЖОН ОЗОД ҚИЛИНДИ

ва портлашларга алоқадорликда айбдор, деб топилиб, озодликдан маҳрум этилган эди.

Маҳкамада у ўзига қўйилган айбларни рад этган ва тергов пайтида кийноққа солинганини билдирган.

2011 йили озодликка чиқишига бир ой қолганида унга уйдирма айблар қўйилиб жазо муддати 4 йилу 8 ойга узайтирилган эди.

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 29 октябрь куни АҚШ Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Томас Шэннон билан учрашган ва маълум бўлишича шу учрашувда сиёсий маҳбусларни озод қилиш масаласи кўтарилган.

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси олқишлаб баёнот чиқарган ва қолган сиёсий маҳкумларнинг ҳам озод этилишига умид билдирганди:

"Биз, шунингдек, 2016 йил октябрь ойида инсон ҳуқуқлари фаоли ва "Эзгулик" инсон ҳуқуқлари жамияти бўлими раҳбари Бобомурод Раззоқовнинг озодликка чиққанини олқишлаймиз. Биз жаноб Қўқонов ҳамда жаноб Раззоқовнинг озод этилишига ижобий қадамлар деб қараймиз ва Ўзбекистон ҳукуматини маҳбусларни келгусида ҳам озод этиш учун давомий равишда амнистия қўллашга чақирамиз", дейилади АҚШ элчихонаси баёнотида.

Айни пайтда, Ўзбекистон қамоқхоналарида сиёсий ва касбий фаолияти учун жазоланган қатор муҳолифат фаоллари ва журналистлар қолмоқда.

Уларорасида Юсуф Рўзимуродов, Солижон Абдурахмонов, Аъзам Фармонов, Дилмурод Саидов, Аъзам Турғунов каби журналист ва ҳуқуқ ҳимоячилари шулар жумласидандир.

ЎХХ хабарлар бўлими



Бу учрашувдан уч ҳафта ўтиб 24 йилдан бери тутқунликда қолаётган Самандар Қўқонов 24 ноябрь куни озодликка чиқарилган эди.

Икки сиёсий маҳбуснинг озод этилганлигини

18 йилдан бери Ўзбекистон камокхоналарида сақланаётган журналист Муҳаммад Бекжон озодликка чиқди. Бу ҳақда журналистнинг укаси Мақсуд Бекжон хабар қилган. 1999 йилги Тошкент портлашларида айбланиб 14 йиллик қамок жазосига ҳукм қилинган Муҳаммад Бекжон жазо муддатини ўтаган бўлсада турли сабаблар билан муддати узайтириб келинаётган эди.

Муҳаммад Бекжон озодликка чиқди

63 яшар журналистнинг кизи Ойгул Бекжон отаси 2016 йилнинг 15 декабрида жазо изоляторига ташланганини ва унинг жазо муддати яна узайтирилиши мумкинлигидан хавотир билдирганди.

Тошкентдаги АҚШ элчихонаси журналист Муҳаммад Бекжоннинг 18 йилдан сўнг озодликка чиққанини олқишлаган.

"Унинг оиласи бағрига қайтганини кўришдан хурсандмиз. Муҳаммад Бекжоннинг озодликка чиқарилишини Ўзбекистон ҳукумати томонидан қўйилган ижобий қадам дея баҳолаймиз. Ўзбекистонни узоқ муддатдан бери камокхоналарда қолаётган бошқа журналист, фаол ва диний маҳкумларни озод қилиб, ушбу руҳда давом этишга чақирамиз", - дейилади элчихона томонидан тарқатилган хабарда.

Жаҳондаги тутқинликда энг узоқ сақланган журналист

Париждаги "Чегара билмас мухбирлар" ташкилотига кўра, 62 ёшли Муҳаммад Бекжон дунёдаги энг узоқ муддат қамокда қолаётган журналист ҳисобланади.

У муҳолифатдаги "Эрк" демократик партияси раҳбари Муҳаммад Солиҳнинг укаси ва "Эрк" рўзномасининг собиқ бош муҳарриридир.

Ўзбекистоннинг биринчи президенти Ислом Каримов вафотидан сўнг ҳукумат тепасига Шавкат Мирзиёевнинг келиши жамоатчиликда сиёсий айбловлар билан қамалган маҳкумлар нисбатан ўзгача муносабат бўлиши кутилаётган эди.

АҚШ элчихонаси 2016 йилнинг 3 октябр куни Муҳаммад Бекжоннинг туғилган куни билан табриклаган ва уни "шубҳали айбловлар билан қамокка ташланганини"

билдирганди.

Журналистларнинг халқаро ташкилоти ушбу рўзнома ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муаммоларни ёритган мустақил Ўзбекистондаги илк нашрлардан бири бўлганини қайд этган.

1999 йилги Тошкент портлашларидан Ўзбек режими ўз танқидчилари овозини ўчириш мақсадида фойдаланди ва кийноқлар остида

Муҳаммад Бекжон терроризмга алоқадорлигини тан олишга мажбур бўлди, дейилади "Чегара билмас мухбирлар" баёнотида.

Муҳаммад Бекжон ва яна бир ўзбекистонлик журналист Юсуф Рўзимуродов 1999 йил Тошкент портлашларидан кейин Украинада қўлга олиниб, Ўзбек ҳукумати талаби билан ватанига экстрадиция қилинган.

Олти ой ўтгач, уларга тақиқланган газета ва материаллар чоп этиш ва тарқатиш, тақиқланган сиёсий намойишларда қатнашиш ҳамда ҳукуматни ағдаришга уриниш каби айбловлар қўйилган.

Маҳкама жараёнида Бекжонов ва Рўзимуродов ўзларига қўйилган айбловларни рад этиб, кийноққа солинганларини айтишган.

Маҳкама Муҳаммад Бекжонни 15 йилга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарган, 2003 йилда унинг жазо муддати 3 йил 8 ойга қисқартирилган эди.

2012 йил январда жазо муддати ниҳоясига етишидан олдин Ўзбек маҳкамаси Бекжоновни қамокхона тартибини бузганликда айблаб, унинг жазо муддатини яна беш йилга чўзган.

Шу йил март ойида Навоийдаги қамокхонада турмуш ўртоғини бориб кўрган Муҳаммад Бекжоннинг аёли Нина Бекжоннова унинг саломатлиги жуда ёмонлашганига гувоҳ бўлган.

Ўшанда Нина Бекжонованинг айтишича, турмуш ўртоғи сил касаллигидан азоб чекмоқда, грижасини олиб ташлаш учун жарроҳлик амалиёти зарур.

Муҳаммад Бекжон муҳолифатдаги "Эрк" партиясининг раҳбари, Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг етакчиси Муҳаммад Солиҳнинг укаси.

Стив Свездлов: Муҳаммад Бекжон бошиданок қамокда ўтирмаслиги керак эди

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташкилот Хюман Райтс Вотч ташкилотининг Марказий осие бўйича тадқиқотчиси Стив Свездлов Муҳаммад Бекжоннинг қамокдан озод қилинишини олқишлар экан, унинг беғуноҳ қамалганлигини урғулади.

Озодлик учун махсус ёзган мақоласида Свездлов Муҳаммад Бекжонни озод бўлганини ошиғич ҳиссиёт билан ифодалайди:

- Мен 18 йил турмада ўтирган журналист Муҳаммад Бекжон озод бўлди, деган сатрларни ёзаётганимга ҳануз ишонмайман. Дунёда энг узун муддат қамокда ўтирган журналист ҳам охири оқибат озод бўлди.

Икки соатча аввал мен унинг кизи Ойгул билан гаплашдим. Ойгул менга отасининг қамокдан чиқиб қариндошлар даврасида чой ичаётгани акс этган фотосуратни жўнатди. Озодлик ва эркинлик туйғусидан роҳатланган бу оиланинг турмадан сал наридаги чойхонада бемалол ўтирганини кўриб кўнглим яйради.

Мен узоқ йиллар унинг кизи Ойгул билан Муҳаммад Бекжонни қамокдан озод қилиш ёки ҳеч бўлмаганда унга қўлланилган кийноқларга барҳам бериш борасида бирга иш олиб бордим. Бугун биринчи марта Ойгулнинг енгил тортиб хўрсинганини эшитдим.

Мен ва мен мансуб бўлган ташкилот Муҳаммад Бекжон озод бўлганини олқишлайди аммо у бошиданок қамалмаслиги керак эди. Журналист сифатида ўз вазифасини бажарган Муҳаммад Бекжонни оиласи бағридан суғуриб олиб ўғирлаб кетишди. Ўта шафқатсиз тарзда қийнашди, рухий босим қилишди. Журналист бўлгани учун уни 18 йил қамокка тикиб қўйишди. 18 йил умри завол бўлди. Муҳаммад Бекжон бошига тушган қора кунлар 1999 йили Украинага Ўзбекистон МХХ гуруҳи келиб уни ўғирлаб кетганидан кейин то бугунгача давом этди. Тошкент маҳкамаси уни 13 йил қамок жазосига ҳукм қилди.

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

2011 йили озодликка чиқишига бир ой қолганида унга кўшимча айблар қўйилиб жазо муддати 4 йилу 8 ойга узайтирилди. Сабаб жуда кулгили. Уни камерасидан тирноқ оладиган кусачка топилган эмиш.

Муҳаммад Бекжон узоқ муддат ўтириб қамокдан чиққан тўртинчи

сиёсий маҳбусдир.

Ўтган йил августда Каримов ўлганидан сўнг иктидорга келган Мирзиёев ўз сайловолди дастурида адлия тизимларини ислоҳ қилиш ваъдасини берган эди.

Бугун Мирзиёев Муҳаммад Бекжоннинг АКШдаги оиласи бағрига қайтишига изн бериши керак. Мирзиёев шунингдек қамокларда қолаётган бошқа

сиёсий маҳбусларни ҳам озод қилиб ижобий ўзгаришлар тарафдори эканлигини намоён қилиши керак.

Сиёсий маҳбусларнинг қамокдаги қора кунларига нукта қўйилиши лозим, дея ёзади Хюман Райтс Вотч ташкилотининг Марказий Осиё бўйича тадқиқотчиси Стив Свирдлов.

Манба: "Озодлик" радиоси

Ўзбекистонда uz домени билан "Эрк" сайти очилди

Б и - Б и - С и радиосининг ўзбек хизмати ёзишча, Erk.uz сайти "юрагида ўти бор, миллатпарвар ва зиёлилар учун минбар вазифасини" ўтамоқчи. Сайт маъмурлари "Ҳақиқат минбари" рукни остида эркин фикрларга жой беражагини билдиришган.



Қайси "ЭРК"?

"Мамнуният билан шуни эълон қиламанки, анчадан бери ишга тушиши кутилаётган сайтимиз бугундан бошлаб ўз фаолиятини бошлади. Erk.uz сайтини ишга туширишда ёрдамини аямаган Раҳимжон Турдиев укамизга самимий миннатдорчилигимни билдираман", - деб ёзди Умида Адизова Facebookдаги саҳифасига.

Янги очилган сайт ижодкорлари Ўзбекистонда ўзбек тилидаги кўпчилик янгилик сайтларида урф бўлган шоу бизнес ҳақида ёзмаликни айтмоқда.

Сайт асосчиларидан Умида Адизованинг Facebook даги саволларга жавобларидан маълум бўлишича, сайтда "Ҳақиқат минбари" номи остида алоҳида саҳифа ҳам очилади.

Сайт очилишига ёрдам берган Раҳимжон Турдиев эса, энди эркчилар деганда ушбу сайтни тушунинглар деган.

"Эркчилар деганда энди бизни тушунаверинглар. Сайт кенг қамровли, бунда ҳамма яхши нарсаларга жой ажратилади. Муҳими эркин фикрлар бўлсин", - дейди Раҳимжон Турдиев.

Тест режимида ишлаётгани айтилатган сайтда 9 та рукнга бўлинган.

Ҳозирча ундаги материаллар

сони кам. Аммо берилган материаллардан сайтнинг кўпроқ панд-насихат йўналишида фаолият юритишини илғаш мумкин.

"Тўйда вальсга тушгани уялмайсизми куёв бола", "Уят бўлади, яхши қиз, уят!", "Замонавий беҳаёлик" каби мақолалар сайт йўналишидан дарак беради.

Эрктан кўркув

"Эрк" партияси ва шу номдаги газета мустақилликка эришиш арафасида республика тарихида илк муҳолиф партия номи остида Ўзбекистон тарихига кирган.

1990 йилнинг апрел ойида ташкил топган "Эрк" партияси Ўзбекистоннинг мустақил бўлишида салмоқли ўрин тутган ва кейинчалик Ислом Каримовга президентлик сайловларида "Эрк" партияси лидери Муҳаммад Солиҳ рақиб сифатида иштирок этганди.

"Эрк" Ўзбекистонда ҳукуматга фикрини дадил ва очик айта олган партия сифатида танилган.

Уша вақти ҳукуматни энди тўлиғича қўлга олишга уринаётган Ислом Каримов муҳолиф бўлмиш "Эрк" партияси билан айрим ҳолларда ҳисоблашишга мажбур бўларди.

Бирок кейинчалик Ўзбекистонда яккахокимлик институти етарлича

қучайтириб олган Ислом Каримов бошқа муҳолифат институтлари қатори "Эрк"ни ҳам қаттиқроқ сиқувга ола бошлади.

Унинг фаоллари қамокқа ташланди, лидери Муҳаммад Солиҳ хижрат қилишга мажбур бўлди.

"Эрк" партияси ва унинг шу номдаги газетаси фаолиятига Ўзбекистонда деярли барҳам берилган бўлса

ҳам, ҳукумат ушбу партия ва унинг лидеридан ҳаммиша ҳадиксираб келгани айтилади.

Муҳожиротдаги Муҳаммад Солиҳга бир неча марта суиқасд ҳаракатлари бўлган.

Ўзбекистон расмийлари "Эрк" партияси тугул, "эрк" сўзини ҳам камроқ ишлатишга ҳаракат қилгани айтилади.

Муҳолифат сиқиб чиқарилгандан сўнг бу вақтгача мамлакат ичида "эрк" номи остида бирорта нашр ёки интернет сайти очилмаган эди.

Ўзбекистонда тақиқланган "Эрк" газетасининг муҳаррири Муҳаммад Бекжон эса ҳамон қамокда.

Париждаги "Чегара билмас муҳбирлар" ташкилотига кўра, 62 ёшли Муҳаммад Бекжон дунёдаги энг узоқ муддат қамокда қолаётган журналист ҳисобланади.

У муҳолифатдаги "Эрк" демократик партияси раҳбари Муҳаммад Солиҳнинг укаси ва "Эрк" рўзномасининг собиқ бош муҳарриридир.

Бекжон 1999 йилдаги Тошкент портлашлари ортидан Киевдаги уйдан ўғирлаб кетилган ва портлашларга алоқадорликда айбдор, деб топилди, 15 йилга озодликдан маҳрум этилган.

Манба: bbc.com/uzbek



ИМОМНИНГ СОҒЛИГИ ЯХШИЛАНИБ БОРМОҚДА

"Озодлик" радиосининг хабар беришича, бундан беш йил муқаддам суиқасд амалидан омон қолган Обид қори Назаров гапира бошлаган. Бу ҳақда "Озодлик" радиосига 59 яшар Назаровнинг ўғли Довуд Назаров маълум қилган.

Назаровнинг яқинлари интернетда имомнинг шу кунларда олинган суратини тарқатди.

Суратда фотоаппарат нигоҳига жилмайиб турган 59 яшар имомни кўриш мумкин.

-Дадамлар ўзлари ўтирадилар, ўзлари тик тура оладилар. Ўзлари ўзларининг яқинлари билан, маълум бир даражада, бемалол савол-жавоб, мулоқот ҳам қила оладилар, - деди Довуд Назаров Озодлик билан суҳбатда.

Ўзбекистон ҳукуматининг ашаддий танқидчиси, таниқли диний уламо Обид қори Назаров 2012 йилнинг 22 февралда Швеция шимолидаги Стромшунд шаҳарчасида ўз уйи йўлагида отиб кетилган, ўқ унинг бошига теккан эди.

Имом узоқ вақт беҳуш ётди.

Шифокорлар унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун курашишар экан Швеция ичкариси ва ташқарисида унга ўқ узган хужумчини кидириш амалиёти бошланди.

Назаровга суиқасддан уч ярим йил ўтиб, унга хужум қилган шахс – Ўзбекистон ватандоши Юрий Жуковский Россиядан Швецияга экстрадиция этилди.

Ўтган йил мартада Швеция шимолидаги Сундсвал шаҳар суди Обид қори Назаровга нисбатан

суиқасдни амалга оширишда айбдор, деб топилган Юрий Жуковскийга умрбод қамок жазосини берди.

Имомнинг оиласи жиноятни ташкиллаштиришда Ўзбекистон ҳукуматини айблади.

Улар, Жуковскийга нисбатан чиқарилган ҳукмдан қониққан эсалар-да, буюртма қотиллик ортида тургани даъво қилинган Ўзбекистон сиёсий режимининг вакиллари жазоланишини талаб қилишда давом этмоқдалар.

Бироқ маҳкама жараён сўнгида ҳакам буйруқнинг бевосита Ўзбекистон ҳукумати ё хавфсизлик хизматларидан келганини буткул исботлаб бўлмади айтилган.

Мустақил имом

Обидхон қори Назаров мустақил имом сифатида 1990 йиллар бошида Тошкентда шуҳрат топди.

Унинг эҳтиросли мавъизалари Ўзбекистондаги ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ва инсон ҳуқуқларини қамраб оларди.

Обидхон Назаров Ўзбекистон ҳукуматидаги камчиликларни танқид қилиб, бошқа имомлардан фарқли тарзда, мустақил мавқеъини сақлашга интилди.

Обидхон Назаров обрў-эътиборининг ортиши баробарида, ўша пайтдаги президент Каримов маъмурияти имомни дунёвий режимга хавф сифатида кўра бошлади.

1998 йилда экстремизмда айбланган Назаров бир йил давомида Тошкентда яшириниб

юришга мажбур бўлди.

Сўнгра кўшни Қозоғистонга чиқиб кетди ва 8 йил ўтиб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қочқин мақомини олди.

Швецияда бошпана олганидан кейин ҳам Обидхон Назаров Ўзбекистонда оддий мусулмонларга нисбатан қатағон сиёсати тўхтамаётганини танқид қилишда давом этди, интернетдаги фаоллигини оширди.

Ҳусниддиннинг ғойиб бўлиши

Обидхон Назаровнинг ўғли Довудхоннинг маълум қилишича, 13 йил муқаддам Тошкентда ғойиб бўлган акаси Ҳусниддин Назаровнинг тақдири хануз қоронғулигича қолмоқда.

2004 йил ёзида бир неча кун ичида Ҳусниддин Назаров ва яна бир неча диндор йигитлар Тошкент кўчаларида изсиз ғойиб бўлганди.

Обидхон қори Назаров оиласи аъзоларининг иддао қилишича, ушбу ғойиб бўлишлар ортида Ўзбекистон хизматлари турибди.

Назаровлар Ўзбекистон ҳукуматида бир неча бор очиқ мурожаат қилиб, Ҳусниддин Назаров тақдирига оидинлик киритишни сўраган.

Аммо, ҳозирга қадар расмий Тошкент бу борада ҳеч қандай изоҳ бергани йўқ.

Ҳусниддин Назаровнинг фарзандлари ҳозир Швецияда Обидхон Назаров билан бирга истиқомат қилади.

Махфий ҳаёт

Довуд Назаровнинг ишонишича, ҳозир ҳам отасининг ҳаётига таҳдид аригани йўқ.

Обид Назаров ва унинг яқинлари ҳамон хавфсизлик кучларининг кучли назорати остида яшашмоқда.

- Улар жудаям махфий ҳолда, жудаям эҳтиёткорлик билан, деярли энг яқинларидан бошқа ҳеч ким билмайдиган ҳолатда ҳаёт кечираяптилар ва даволанишни давом этаяптилар. Улар қаерда ва қандай ҳолатда даволанаётганликлари, қандай ҳолатда ҳаёт кечираётганликлари ҳам, Швеция ҳукумати, Швеция давлати томонидан қаттиқ, махфий масала сифатида қабул қилинган, - деди Довуд Назаров.

ЎХХ хабарлар бўлими

Нарзулло Охунжонов

**МАМЛАКАТНИ КИМ
БОШҚАРАЯПТИ?
(бешинчи мақола)**

**АЙБНИ ЎЗГАДАН ЭМАС,
ЎЗИНГДАН ҚИДИР**

Дунёда шундай инсонлар борки, хоҳ ўқиш-ишда, кўча-кўйда, оилада ёки бирон бир юқорироқ мансаб-лавозимда бўлмасин, ўзини туттиши, юриш-туриши, хош муомаласи билан кишиларнинг ҳавасини келтиради. Лекин шундай кимсалар ҳам борки, қадами етган жойни вайрона-харобага айлантириб, жамиятга, мамлакатга, миллатига улкан зарар етказишади. “Хурмача” қилиқлари билан одамларнинг нафрати, қарғиши, ланъатига қолишади. Шундайлардан Оллоҳнинг ўзи асрасин...

2005 йилнинг май ойида Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясига Алишер Ходжаев раис этиб тайинланди. У лавозимга келиб, радиоагилар билан атиги бир бор учрашди. Шу учрашув чоғида “Мен сизларнинг “холодильник”ларингизни тўлдиргани келганман ва албатта бу мақсадга эришамиз” деган катта ваъдани берди. Бу гапга компаниянинг содда ходимлари ишонишди. “Журналистларнинг косасини оқартириш ҳақида қайғурадиган раҳбар келди-ёв...” дея хурсанд бўлишди. Шундан сўнг орадан саккиз ярим йил ўтди. Бу вақт оралиғида раис ходимлар билан номига бўлса-да учрашмаганини қўя турилик, теле ва радио дастурларининг савиясини ошириш масаласи қанчалик уйдаланганлиги ёки қай даражада бажарилаётганлиги билан мутлақо қизққан эмас. Иш бутунлай бошқача-тескари тус олганлиги боис компаниядаги муҳит борган сайин ёмонлашиб, вазият мураккаблашиб, нормал ҳолат издан чиқа бошлади. У дастлабки фаолиятида ўзини ҳар томонлама жуда ҳам кенг микёсли ўзгаришлар қилишга киришган мансабдор шахсдай кўрсатишга уриниб кўрди. Яъниким, радио уйи биносидан таъмирлаш ишларини бошлаб юборди. Ариқнинг бошида туриб, ўзи ҳам куруқ қолгани йўқ, албатта. Ўз оиласи тугул, қудаси - /собик/ бош вазир ўринбосари Абдулла Неъматович Арипов учун ҳам дангиллама уйлари дала ҳовлилар, кошоналар муҳайё



Айбни ўзгадан эмас, ўзингдан қидир

қилинди. “Северо-восток”да эса кўплаб йирик супер-маркетлар қад кўтара бошлади. Дарвоқе, бу улкан лойиҳали қурилишларнинг соҳиби кимлиги оммага фош бўла бошлагач, эртага бошга бир бало ёғиб қолмасин учун бу супер-маркетларни бошқа кишиларнинг номига расмийлаштиришга ҳам улгурди.

“Холодильник”ларни тўлдириш борасидаги улкан ваъдалар нима бўлди, дея қизиқётган бўлсангиз, айтай: чиндан ҳам “холодильник”лар тўлиб-тошиб, ҳатто деворлардан ҳам нарига ошиб кетди-ёв... Фақат... раис жаноблари, унинг оила аъзолари, қавму қариндошларию “хос хизматкорлари”, яъни югурдақларининг “холодильник”лари! Журналистларнинг уйдаги музлатгичлар эса /агар бор бўлса/ ҳамон “музлатилган” – на янгиланди, на тўлдирилди...

Раис фақат қурилиш – таъмир ишлари билан кифояланиб қолгани йўқ. Миллий телерадиокомпанияда ўз мустақил сўзи-фикрига эга бўлган, ўзининг ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб чиқаётганлар ва танкидий кўз-қарашларга эга бўлган ходимлар билан “особенно” шуғулланишга ҳам вақт топди. Радио биносидан ўпириб олинган қимматбаҳо металл-алюминийлар, олиб борилаётган т а ъ м и р - қ у р и л и ш л а р д а н ўзлаштирилаётган текин ашёлар, компания ҳисоб рақамидаги пулларни нақдлаштириш ортидан келаётган мўмайгина бойлик-даромад кун сайин унинг

кўзларига шира торттириб, қутуртириб бораётганди. Бундайин текин-томоқлик уни бутунлай инсоний қиёфадан чиқариб, ўзини билмайдиган даражадаги тубанликка етаклади. Шунинг учун ҳам телерадиокомпания раиси ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб чиққан телевидения ходимлари Малоҳат Эшонқулова ҳамда Саодат Омоновани бутунлай ишдан четлатишнинг турлича маккорлик ва айёрликка асосланган тубан йўллари қидиришга киришди. Қарангки, устомон раҳбар буни ҳам қойилмақом қилиб бажарди. А.Ходжаевнинг айтишича, илгари у махсус хизматда “тўққизинчи бўлим”ни бошқарган. Ўша ерда орттирган тажрибасию баъзи бир танишларини ишга солиш орқали бу вазифани киши билмас даражада ҳамирдан қил суғургандек осонгина амалга оширди. Яъни Президентга шикоят хати йўллаган икки журналист-ходимани нафақат жамоага, балки додига қулоқ солмаслиги учун ҳатто юрт раҳбарига ёмон кўрсатишнинг ҳам йўриғини топди. Икки журналистни ёмонотлиқ қилиш мақсадида тегишли органлардаги ҳамтовоқларига “буюртма” бериб, қалбаки ҳужжатлар тайёрлатишнинг ҳам уйдасидан чиқди. Шундан кейин Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясидаги унга қуллуқ қилиб, ўтир деса ўтирадиган, тур деса турадиган ходимлардан иборат ҳайъат йиғилишини чақириб, бу икки ходимнинг масаласини кун

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

тартибига қўйди. Мавжуд қонунчиликка бутунлай зид иш тутишдан хижолат ҳам чекмади, ҳайикмади ҳам. Ваҳоланки, аввало “Ёшлар” канали касаба уюшмаси ёки компания касаба уюшмасининг умумий йиғилиши чақирилиб, ушбу масала муҳокама этилиши ва бу борадаги аниқ хулосалар олиниши керак эди...

Телерадиокомпания раҳбарининг шахсан ташаббуси билан ҳар иккала ходимга нисбатан ҳар-хил тўхматларнинг уюштирилиши авж олгандан авж олаверди. Қирқ нафар кишидан иборат ҳайъат аъзоларининг олдиндан А.Ходжаев томонидан пухта ўйланган режа асосида “тошотарлик”ка тайёрланганлигини тушуниб олиш учун жуда катта ақл керак эмас, буни энг содда одам ҳам англай олади. Чунки, бутун бир компаниянинг умумий йиғилиши чақириладиган бўлса, унда қатнашиши мумкин бўлган юзлаб ходимларни икки журналистга қарши тайёрлашдан кўра, қирқ нафар ҳайъат аъзосини тайёрлаш янада осон ва жўн кечиши аниқ. Ана шу боисдан ҳам шундай йўл тутилган. Гўёки, уларни Ходжаев шахсан ўз кўли билан эмас, балки қирқ нафардан иборат ҳайъатнинг кўли, саъй-ҳаракати билан ишдан четлатилгандек кўрсатишнинг ҳам ўзига хос сир-синоатлари, жиддий сабаблари бор. Негаки, бу воқеа шов-шувларга сабаб бўлса, бу амалиётни ўзи эмас, балки “нуфузли ҳайъат” амалга оширган, дея осонгина қутулиш бош режа ва мақсад қилиб қўйилган...

...Хуллас ва ниҳоят, мана саккиз йилдан кўпроқ вақт ўтиб, Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг раиси

Алишер Ходжаев ўз ходимларига берган ваъдаси эсга тушиб қолдими ёки бу ваъдасини эслагадиган бирор жиддий сабаб бўлибми, 2013 йилнинг 10 июль куни соат 10.00 да ходимлар билан очиқ мулоқот ўтказди. Бу мулоқот чоғида дастлаб раиснинг ўзи қарийб икки соат маъруза қилди. Бу маъруза шунча йиллар мобайнида қилинган ишларнинг очиқ ҳисоботига айланиб кетди, гўё. Иштирокчиларни “Раис шунчалик улкан хайрли ишларни амалга оширган экан-у, биз билмай юрган эканмиз-да”, деган ўй-хаёл чулғаб олган ва шу билан ҳеч қандай саволга ўрин қолмагандек туюлди. Раҳбарнинг виқор билан “менга саволлар борми”, деган сўзларини залда эшитиб ўтирганлар гоҳ ерга боқар, гоҳ бир-бирларига кўз остидан қараш қилиб қўярди.

Очиқ мулоқотнинг қизик жойи шунда бўлдики, шунча вақтгача биронта ходимини қабул қилиш тугул, ўз қабулхонасига йўлатмаган Алишер Ходжаев ўз-ўзидан, ҳеч ким бу ҳақда сўрамаган бўлса ҳам: “Агар Малоҳат Эшонқулова ва Саодат Омонова менинг қабулимга кирганларида эди, муаммоларини ҳал қилган бўлардим, ишдан кетишмасди, - деди ўта сурбетлик ва сиполик билан. - Сўнг тулкиларча давом этди: - Менинг уларга раҳмим келади, начора. Афсуски, улар ўзларига ўзлари жабр қилишди. Ҳар иккиси ҳам Ғарбнинг, Европанинг, хусусан, Америка Қўшма Штатлари ва Англияга ўхшаш давлатларнинг “Тоссаказ”ларини бажаришди. Мана, оқибати нима бўлди?... Шунинг учун бу каби “заказ”ларни бажаришдан олдин яхшилаб ўйлаб кўриш керак. Акс ҳолда ким шундай йўл тутадиган бўлса, яъни ишхонанинг муаммоларини кўчага

олиб чиқадиган бўлса, шундай кўргуликлар бошига тушиши аниқ.”

Ниҳояли ва кинояли бу гап билан у менга ҳам қандайдир ишора бергандай бўлди, гўё. Раиснинг бу гапидан сўнг ўша йиғилишда ўтирганларнинг баъзи бирларида “ўз ишидан мосуво бўлган бу икки ходим ҳақиқатдан ҳам қайсидир давлатнинг “бююртма”сини бажарган экан-да”, деган нотўғри фикр пайдо бўлгани шубҳасиз. А.Ходжаев жаноблари ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб чиққан журналистларнинг ҳатти-ҳаракатини қайсидир мамлакатнинг “Тоссаказ”и дея талқин этиши ва буни бутун жамоатчиликнинг кўз ўнгида эълон қилишга нечоғли ҳақли эканлигининг ўзи бир савол. Бундай дейиш учун қанчалик асос-далил керак эканлигини ҳамда бу каби нозик ва жиддий масалага ўта масъулият билан ёндошиш зарурлигини катта бир кампания - ЎзМТРКнинг раҳбари сифатида англаб етмагани эса яна бир иккинчи саволдир. Йўл қўйган катта хатоси ва қундан-қунга фош бўлиб бораётган камчилигу-кирдикларини хаспўшлаш, бошқаларни вазиятга ҳақиқий баҳо беришдан чалғитиш учун кимларнидир айблашга ўтишдан ўзга чораси қолмаган чоғи раиснинг. Айбни бировдан, қайсидир давлат ёки минтақадан эмас, ҳар ким аввало ўзидан қидириши жоиз. Акс ҳолда Ходжаевча фикрлайдиганлар бир кунмас бир кун катта бир “қовун тушириб” қўйиб, минг бир пушаймон бўлишлари мумкин. Халқ бекорга айтмаган: “Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир.” Йўкса, бунинг жавоби оғир бўлажак.

21.02.2014 й.
(давоми бор)

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ўзбек қамоғида деярли 18 йил ўтирган “Эрк” газетасининг собиқ муҳаррири Муҳаммад Бекжоновнинг озод этилишини олқишлади.

“Бекжонов ўз оиласи бағрига қайтганидан хурсандмиз. Биз Бекжоновнинг озод этилишига Ўзбекистон ҳукумати томонидан қўйилган ижобий қадам сифатида қараймиз ва Ўзбекистонни ушбу ижобий силжишни давом этган ҳолда,

АҚШ элчихонаси Муҳаммад Бекжоннинг озод этилганини олқишлади

узоқ муддат қамоқ жазосини ўтаётган бошқа журналистлар, инсон ҳуқуқлари фаоллари ва диний маҳбусларни ҳам озод этишга чақирамиз”, - дейилади элчихона баёнотида.

Муҳаммад Бекжон 1999 йилдаги Тошкент портлашлари

ортидан Киевдаги уйидан ўғирлаб кетилган ва портлашларга алоқадорликда айбдор, деб топилиб, озодликдан маҳрум этилган эди.

Маҳкамада у ўзига қўйилган айбларни рад этган ва тергов пайтида қийноққа солинганини билдирган. 2011 йили озодликка чиқишига бир ой қолганида унга уйдирма айблар қўйилиб жазо муддати 4 йилу 8 ойга узайтирилган эди.

Манба: "Озодлик" радиоси



МУҲАММАД БЕКЖОН: ДАРВОЗАДАН ЧИҚҚАНИМДАН КЕЙИН ОЗОДЛИККА ЧИҚҚАНИМГА ИШОНДИМ

Қарийб 18 йил Ўзбекистон қамокхоналарида ўтирган журналист Муҳаммад Бекжон очикликка чиққанидан сўнг 2 кун ўтса ҳам кўзига уйқу келмаётганини айтди. "Эрк" газетаси собиқ муҳаррири Бекжоннинг билдиришича, қамокхона эшигидан ташқарига қадам қўймагунча озод бўлишига шубҳа билан қараган.

Журналист сўнгги беш йилни Зарафшондаги 48 - сонли жазони ижро этиш муассасасида ўтказган.

"Чиқишимдан икки кун олдин ўзини бошқармаданман, деб таништирган бир ходим келиб мен билан суҳбатлашди. Бир соатларча суҳбатлашиб ўтирганимизда, мабодо чиқиб қолсангиз юқорига қандай илтимосларингиз бор, деб сўради. Мен Тошкентдаги уйимни қайтариб беришларини ва шу пайтгача Ўзбекистонга келишига виза берилмаётган Америкадаги болаларимга виза беришлари ҳақида айтдим. Ушанда озодликка чиқишимни билдим".

Бошқармадан келган ходим ўзини ва қайси идорадан келгани ҳақида маълумот бермаган. Аммо у келиб кетганидан сўнг Муҳаммад Бекжонга соч ўстириш учун рухсат беришган.

"Соч ўстиришга рухсат беришгандан сўнг, чиқаришар экан, деб ўйлай бошладим. Аммо яна шубҳа уйғона бошлади. Яна олдинги сафаргидек бўлмасмикан деган хаёлларга бордим. Ўтган сафар ҳам Косондалигим вақти 2011 йилнинг декабр ойида кетишим керак эди. Сочимни ўстиришга рухсат беришиб, ҳатто суддан ҳам ўтгандим, лекин яна

беш йилга узайтиришди".

- Чиқадиган куним эрталабки текширув вақти мени олиб кетишди. Кийинтириш хонасига олиб келиб кийимларни берди. Озодликка чиқадиган бошқалар билан бирга соат 12 гача кутиб ўтирдик. Соат 12 да штабга чақиришди. Ходимлар, биз ҳам сиздан кўпроқ кутиб ўтирибмиз, жавоб келса кетасиз. Агар мабодо жавоб келмаса, ўзингизни йўқотиб қўйманг, деб тайёрлашди, дейди Муҳаммад Бекжон.

Бир соатнинг ичида озодликка чиқиш тўғрисида узоқ кутилган жавоб келган. Шундан сўнг журналистни озодликка чиқариш расмиятчиликлари бошланган. Хужжатлар тўлдирилган ва озодликда сарфлаш учун давлат томонидан белгиланган ёрдам пулларини олган.

"Қамокхона маъмурлари дарвозадан чиққунча мени кузатиб қўйишди, видеоларга олишди. Дарвозадан чиққанимдан кейин озодликка чиққанимга ишондим".

Ташқарида журналистнинг яқинлари кутиб олишган. Қамокхона томонидан бириктирилган ходим уларни Хоразмдаги милиция пунктига келгунча кузатиб келган. Милиция идорасида яна хужжатлар тўлдирилган ва журналист яқинлари билан уйига кетган.

Унинг айтишича, Зарафшондаги қамокхона нозирлари унга яхши муносабатда бўлган.

"Қаттиқ ҳаёжонда бўлганим учун икки кундан бери ухламаяпман. Ҳозирча ҳеч қандай режам йўқ, икки-уч кун дам олиб кейин ўйлаб кўрамиз".

Муҳаммад Бекжон уйини қайтариш ва фарзандларининг Ўзбекистонга келишига изн бериш борасида ҳукуматдан сўраган илтимосига ҳануз жавоб олмаганини айтди.

У Америкага болалари олдига боришдан кўра, уларнинг Ўзбекистонга келишини кўпроқ истаётганини билдирди.

"Менда ҳали Ўзбекистон паспорти ҳам йўқ. Жинойи ишимда Қирғизистоннинг четга чиқиш паспортини қолдиришган. Ички ишлар вазирлигида менинг Совет паспортим бор эди, Тошкент пропискаси билан. Уни олиб

қолишиб, Қирғизистон паспортини қолдиришган".

Журналист 2002 йилгача қийноққа тутилганини айтади.

"2002 йилгача қийноқларнинг барча турини қўллашди. Ўша йили Жасликда оёғим синган. Қулоқларим ҳозир ҳам яхши эшитмайди. 2002 йилдан кейин қийноқларни тўхтатишган".

Тошкентдаги АҚШ элчихонаси журналист Муҳаммад Бекжоннинг 18 йилдан сўнг озодликка чиққанини олқишлаган.

"Унинг оиласи бағрига қайтганини кўришдан хурсандмиз. Муҳаммад Бекжоннинг озодликка чиқарилишини Ўзбекистон ҳукумати томонидан қўйилган ижобий қадам дея баҳолаймиз. Ўзбекистонни узоқ муддатдан бери қамокхоналарда қолаётган бошқа журналист, фаол ва диний маҳкумларни озод қилиб, ушбу руҳда давом этишга чақирамиз", - дейилади элчихона томонидан тарқатилган хабарда.

Жаҳондаги тутқинликда энг узоқ сақланган журналист

Париждаги "Чегара билмас мухбирлар" ташкилотига кўра, 62 ёшли Муҳаммад Бекжон дунёдаги энг узоқ муддат қамокда қолаётган журналист ҳисобланади.

У муҳолифатдаги "Эрк" демократик партияси раҳбари Муҳаммад Солиҳнинг укаси ва "Эрк" рўзномасининг собиқ бош муҳарриридир.

Ўзбекистоннинг биринчи президенти Ислоом Каримов

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

вафотидан сўнг ҳукумат тепасига Шавкат Мирзиёевнинг келиши жамоатчиликда сиёсий айбловлар билан қамалган маҳкумлар нисбатан ўзгача муносабат бўлиши кутулаётган эди.

АҚШ элчихонаси 2016 йилнинг 3 октябр куни Муҳаммад Бекжоннинг туғилган куни билан табриклаган ва уни "шубҳали айбловлар билан қамокқа ташланганини" билдирганди.

Журналистларнинг халқаро ташкилоти ушбу рўзнома ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муаммоларни ёритган мустақил Ўзбекистондаги илк нашрлардан бири бўлганини қайд этган.

1999 йилги Тошкент портлашларидан Ўзбек режими ўз танқидчилари овозини ўчириш мақсадида фойдаланди ва қийноқлар остида

Муҳаммад Бекжон терроризмга алоқадорлигини тан олишга мажбур бўлди, дейилади "Чегара билмас мухбирлар" баёнотида.

Муҳаммад Бекжон ва яна бир ўзбекистонлик журналист Юсуф Рўзимуродов 1999 йил Тошкент портлашларидан кейин Украинада қўлга олиниб, Ўзбек ҳукумати талаби билан ватанига экстрадиция қилинган.

Олти ой ўтгач, уларга тақиқланган газета ва материаллар чоп этиш ва тарқатиш, тақиқланган сиёсий намоёишларда қатнашиш ҳамда ҳукуматни ағдаришга уриниш каби айбловлар қўйилган.

Маҳкама жараёнида Бекжонов ва Рўзимуродов ўзларига қўйилган айбловларни рад этиб, қийноққа солинганларини айтишган.

Маҳкама Муҳаммад Бекжонни 15 йилга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарган, 2003 йилда унинг жазо муддати 3 йил 8 ойга

қисқартирилган эди.

2012 йил январда жазо муддати ниҳоясига етишидан олдин Ўзбек маҳкамаси Бекжоновни қамокхона тартибини бузганликда айблаб, унинг жазо муддатини яна беш йилга чўзган.

Шу йил март ойида Навоийдаги қамокхонада турмуш ўртоғини бориб кўрган Муҳаммад Бекжоннинг аёли Нина Бекжонова унинг саломатлиги жуда ёмонлашганига гувоҳ бўлган.

Ўшанда Нина Бекжонованинг айтишича, турмуш ўртоғи сил касаллигидан азоб чекмоқда, грижасини олиб ташлаш учун жарроҳлик амалиёти зарур.

Муҳаммад Бекжон муҳолифатдаги "Эрк" партиясининг раҳбари, Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг етакчиси Муҳаммад Солиҳнинг укаси дир.

Манба: bbc.com/uzbek

"Озодлик" радиосининг хабар беришича, Ўзбекистондаги биринчи хусусий банк - "Рустамбанк" собиқ хўжайини 69 яшар Рустам Усмонов 19 йиллик қамокдан сўнг, озодликка чиққан. Иқтисодий жиноятлар содир этганлик айби билан аввалига 1998 йилнинг октябр ойида 14 йиллик қамок жазосига ҳукм қилинган, 2012 йилда жазо муддати яна беш йилга узайтирилган тадбиркор тутқунликнинг сўнгги беш йилини "Жаслик" қамокхонасида ўтказди.

Ўзбекистондаги биринчи хусусий банк эгаси Рустам Усмоновнинг қамокдан озод бўлганини унинг яқинларидан бири тасдиқлади:

"Амакимга 13 февраль куни жазо муддати тугагани муносабати билан жавоб беришди. Жасликдаги қамокхонадан кутиб олдиқ ва Тошкентга олиб келдик. Соғликлари унчалик яхши эмас. Ҳозир уйдан туриб, даволанишга бориб келяптилар. Кайфиятлари яхши. Мирзиёевга раҳмат айтяптилар", деди собиқ тадбиркорнинг қариндошларидан бири.

Рустам Усмонов Ўзбекистон қамокхонасида энг кўп ўтирган тадбиркорлардан бири саналади.

У амнистия бўйича эмас, балки қамок жазоси муддати тугагани муносабати билан билан озод қилинди.



Сўнгги 5 йили "Жаслик" қамокхонасида кечди

1948 йили Қирғизистоннинг Жалолобод шаҳрида туғилган асли иқтисодчи Рустам Усмонов, Горбачёвнинг қайта қуриш даврида хусусий тадбиркорлик билан шуғуллана бошлаган эди.

1987 йили Ўзбекистонда асаларичилик ширкатини очди. Канада ёмғир чувалчанглирини

кўпайтириб сотиб, миллионлар эгасига айланди.

1992 йилда очилган Ўзбекистондаги илк хусусий банк "Рустамбанк" эгаси ҳам айнан Рустам Усмонов бўлди.

1990-йилларда Рустам Усмонов Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов эътиборига тушган тадбиркорлардан бири бўлган.

Аммо Каримов назарига тушганидан кўп ўтмай Ўзбекистонда самарали фаолият кўрсатган "Рустамбанк" ёпилди ва Рустам Усмоновнинг ўзи қора курсига ўтказилди.

1998 йил 19 октябр куни Андижон вилоят Жиноят ишлари бўйича суди ҳукмига кўра, Рустам Усмонов товламачилик, валютани ноқонуний олиш-сотиш каби моддаларда айбланиб, 14 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Жазо муддати тугашига санокли ойлар қолганида 2012 йилнинг октябрь ойида Усмоновга қамокхона ички тартибини бузганлик каби қатор айбловлар қўйилиб, қамок муддати яна 5 йилга узайтирилган эди.

Рустам Усмонов товламачилик, валютани ноқонуний олди-сотдисида доир моддаларда айбланиб қамалган бўлса-да, оила аъзолари унинг сиёсий маҳбус эканини таъкидлаб келишган.

ЎХХ хабарлар бўлими

Нарзулло Охунжонов

**МАМЛАКАТНИ КИМ
БОШҚАРАЯПТИ?
(олтинчи мақола)****ГОЛИБШЕРНИНГ
МАҒЛУБИЯТИ**

Ўз командаси билан келган ҳар қандай раҳбар албатта, аввало ўринбосарларига ишонади ва уларга таяниб иш кўради.

Ғолибшер Зияев миллий телерадиокомпания раисининг маънавий ишлари бўйича биринчи муовини бўлиб ишга келганди. Мафкуравий ишлар масаласида унинг олдига тушадигани йўқ. Бу борада у ҳар қандай “манаман” деган кишини ҳам ўтиргизиб турғизади. Унинг ёнида ҳеч ким ип эшолмай қолаётганлиги ҳақида компания микёсида шов-шув. Биров ундай дейди, биров бундай... Ҳар куни бўлмаса-да, кун ора телевиденияда йиғин, мажлисбозлик, сиёсий ўқув кучайтирилгандан кучайиб, зўрайгандан зўрайиб бораётганлиги барчанинг хайратини ошириб борарди.

Бир кун олдин радиодаги каналлар раҳбарларига ҳам махсус топшириқ бўлган шекилли, худди шу “сиёсий билимдон”нинг келиб қайсидир номи номаълум қарор бўйича йиғин ўтказилиши эълон қилинди. Ҳамма бир-бирдан қизиқсиниб сўрайди: “Қайси қарор бўйича, нимани сўрар экан, ўзи?” Бу ҳақда деярли ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. У бўлди, бу бўлди-ю, лекин мавзу нима эканлиги, қандай масала кўтарилиши барибир ноъмалумлигича қолаверди. Бу ҳол кўпчиликнинг хижолат бўлишига, баъзи бировларнинг эса ўзини қаерга қўйишини билмай қолишигача сабаб бўлди.

Эртаси куни. Интизор бўлиб кутилган йиғилиш соат 12.00 да бошланди. Учрашувдан мақсад нима эканлигини билолмай, ўтирганларнинг хуноби ошиб турарди. Қараши, умуман, турки ўта совук бу биринчи муовиннинг юзидан мақсадини унча-бунчага очикламайдиган кўринарди. У йиғилганларга нописандлик билан кўз югуртириб чиқаркан, саломалик йўқ, ҳол сўрашиш йўқ, ҳе йўқ - бе йўқ осмондан тараша тушгандай даб-дурустдан “Ким ўқиб келди?” - деб қолса бўладими. Ҳамма жим. Мум тишлагандек. Залдагиларнинг “Нимани, қайсини” деган пичир-пичирини эшитиб қолди чамамда, Ғолибшер Зиёев дарҳол

**Ғолибшернинг мағлубияти**

“Қарор”ни!” деди. Яна кимлардир “Қайси бири экан?”, деса, бошқаси “Миллий ғоя билан боғлиқ қарорни айтаяпти, шекилли” дейди. Ҳамманинг боши гаранг. Шу пайт шартта ўрнимдан турдим-да:

“Юзлаб қарор-фармонлар бор, сиз қай бирини сўраяпсиз?” - дея сўрадим. Орқа ўриндикдагилардан бири “Ҳар ҳолда маънавий, миллий мафкура билан боғлиқ бўлиши керак” деган ишорани қилди. “Агар ундай бўлса, айти шу йўналишда жорий йилнинг ўзида иккита қарор қабул қилинди, уларнинг қайси бири сўралапти?” - дедим.

“Иккаласини ҳам, агар билсангиз бошланг”, - асабий оҳангда сўз қотди раис муовини. Қарорнинг биринчисини бошдан-оёқ асосий йўналиши ва мазмунини айтиб бўлиб иккинчисига ўтганимда у: “Биринчисини бошқатдан сарлавҳасидан тортиб охиригача сўзма-сўз тўлиқ ёд айтиб беринг”, - деди. “Ахир, мазмунини гапириб бердим-ку, бунинг қанчалик аҳамияти бор?” - дедим унинг бу қадар терслашаётганлигидан мен ҳам қайсарлигим тутиб. У айнан шу қарор талабларидан келиб чиқиб қандай амалий ишларга қўл урганлигимни сўрай кетди. Мен ҳам бўш келмасдан, ҳали бу қарорлар қабул қилинмасдан аввалроқ, яъни беш-олти ой илгари унда кўзда тутилганидек, айрим масала-мавзу бўйича худди шу йўсиндаги эшиттиришларни бошлаганлигимни айтдим.

Бу борадаги жавоблару, қилинган амалий ишлардан гўё мутлақо қоникмаган ўринбосар жаҳл отига минди-ю, “Бўлди, етар, ҳамманг жим ўтирларинг-да, мени эшитларинг!” - деди захрини сочиб.

Унинг бу ҳаракатини ҳадик билан кузатиб турганлар “Энди нима қиларкин, қарорни аниқ-тиниқ қилиб тушунтириб берса керак”, деган хаёлда эди. Бироқ, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раисининг маънавий ишлари бўйича биринчи ўринбосари Ғолибшер Зиёев газетада эълон қилинган “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги президентнинг қарорини зўрға хижжалаб ўқий бошлади. Ўқишни эплай олмай хуноби чиқа бошлаган муовиннинг асаби янада таранглашиб, қарорнинг қай бир жойидаги фалсафа деган сўзни “фаслафа” дея талаффуз қилганида кўпчилик беҳосдан кулиб юборди. Шундан сўнг хангома бошланди.

Ҳаммаунинг ушбу хужжат ҳақида гапириб, тўғри йўналиш бериш у ёқда турсин, ҳаттоки, қарорни эплаб ўқиб беролмаётганидан хайрон эди. Бу ажиб ҳолат шу жойнинг ўзида аввалига чўчиб турган кичик жамоа ўртасида ўзаро тортишув-муҳокаманинг бошланиб кетишига туртки бўлди. Муовин қарадики, ғала-ғовур бошланиб кетди. Ўзининг масҳара бўлаётганидан баттар ғазаб отига миниб, қизариб-бўзариб: “Керак бўлса, ҳамманг ўзинг ўқиб оласан!” - дея ўшқирди-да, қўлидаги газетани зарда билан столга би-и-р уриб, жуфтакни ростлади. Бу мажлис таассуротлари узок вақт давомида бутун жамоанинг ёдида сақланиб қолди ва турли хил гап-сўзларнинг урчишига сабаб бўлди.

Шундай бўлишига

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

қарамасдан, Ғолибшер Зиёевнинг телерадиокомпания бўйлаб маънавий-мафкуравий тарғиботни кучайтириш иштиёқи борган сари ортиб бораётганлиги ва бу ҳолат кўпчиликнинг энсасини қотираётганлигини ҳам ҳис этиш қийин эмас эди. Ҳақиқатдан ҳам бу жараён тобора аланга ола бошлади. Бу ҳаракат радиодан ўтиб, телевиденияда янада кенг қулоч ёза бошлади. Иложи борича кўпроқ ходимларни тўплаб, ҳеч бўлмаганда икки кунда бир шундай сиёсий тадбир ўтказиб туриш урфга айлантирилди.

- Қачон қараманг, гуррос-гуррос кишилар шоша-пиша мажлислар зали томон югуриб қолишади, - дейди тележурналистлардан бири. - Ҳа, қаёққа шошайсизлар, тинчликми, десангиз, муҳим мажлисга, деб қўйишади. Бир кун “қани, шу йиғинга мен ҳам бориб кўрай-чи, нима гап бўларкин”, деган мақсадда қизиқиб бордим. Уч соат давом этган бу учрашувдан зерикиб кетиб, “мен ҳам бир гапирсам бўладими?” - дея сўз сўрасам, ўша муовин рухсат берди. Шунда: “Мен бу мажлисни бир пайтлар тўртта чаламулланинг масжидда ўтириб олиб, бу ерга кириш-чиқишда аввал чап оёқдаги қалишни ечиб-кийиш керакми ёки ўнг оёқдагисини, деган оддий бир масалани ойлаб қилган муҳокамасига ўхшатдим”, десам, Зиёев менга қараб “Тушунарли ука, ўтиринг”, деган ишорани қилди. Маърузасини давом эттирган муовин бирпасдан сўнг туриб-туриб мени кўрсатиб “Шу укамизнинг ҳозиргина муқаддас китобимиздан келтирган иқтибослари жуда тўғри,” деди қаддини ғоз тутиб. Ана холос! Бу билан “ўта кучли маънавиятчи”нинг муқаддас Китобимиз – Каломуллоҳдаги

оятлар хусусида ҳам тушунчаси йўқ эканлиги, оят билан ҳадиснинг, ҳадис билан ҳикоятнинг фарқига бормаслиги барчага ошкор бўлиб қолди, - дея хулоса қилади ўша тележурналист.

Ғ.Зиёев радиода яна бир шунга ўхшаш кенгрок йиғин ўтказиш учун келганида мулоқот бошланмасдан асаби қақшай бошлади. Нима қилишини билмай, радионинг “Ахборот”ида ишлайдиган Ш.Тўлагановни ёнидаги одам билан сал овоз чиқариб икки оғиз гаплашгани учун ҳамманинг кўз ўнгидан намойишкорона изза қилиб, мажлисдан ҳайдаб чиқарди. Тўлаганов ҳам анойи эмас, “Ҳап, саними...” дея тишини қайраб, йиғиндан чиқиб кетишга мажбур бўлди.

Кунлардан бир кун ЎзМТРК раҳбарининг маънавият ишлари бўйича биринчи ўринбосари Ғ.Зиёев Қорақалпоғистон республикаси телерадиокомпанияси ходимларини аттестациядан ўтказиш топшириғи билан у ерга сафарга боради. Унинг “синов”идан деярли ҳеч ким ўтмайди. Аксарият ходимлар ишсиз қоладилар. Шунда ўша ердаги раҳбар ходимлардан бирининг “Энди ким билан ишлайсиз?” деган саволига Ғолибшер шундай жавоб беради: “Керак бўлса, сенларнинг ўрнинга Тошкентдан ўзбекларни олиб келиб ишлатаман!”. Шундан сўнг ходимлар синовда миллатчиликка йўл қўйилаётганлиги борасида арз қилишиб Жўқорғи Кенгесга чиқишади. Кенгес раиси эса ўз навбатида бу талабни Тошкентга етказди. Ана шундай кейин уни ўша куниёқ кечга Вазирлар Маҳкамасига чақиришиб, аризасини ёздиривди. Маънавиятдан бутунлай узок, на маънавий, на сиёсий билимга эга, на ходимлар билан тўғри-нормал муомала-

мулоқотга кириша оладиган кадрнинг телерадиокомпаниядай маданият ўчоғига биринчи муовин бўлиб келиши кишининг ақли ёки тасаввурига сиғмайди. Бирок, телерадиокомпаниянинг айна пайтдаги раиси Алишер Ходжаевнинг “шарофати” билан жамоа ана шундай “ғаройиб” муовинни кўришга ҳам “муваффақ бўлди.” Шу аҳволдаги мутлақо саводсиз кадрнинг ишлаб кетиши бу даргоҳ учун қанча пулга тушган экан?

Қизиғи, бир пайт интернет саҳифаларининг бирида Ғолибшернинг мағлуб “шер”га айланганлиги ҳақида хабар пайдо бўлиб қолди. Худди шу нарсани кўпчилик мени ёзган бўлса керак, деган шубҳада юришди. Кейинроқ билсак, ўзининг айтиб беришича, бунинг мажлисдан ҳайдаб чиқарилган аламзада Тўлаганов Шарофиддин “ахборот”даги баъзи дўстлари билан биргаликда ёзишиб, ўзларини панага олиш мақсадида таҳаллус билан эълон қилишган экан.

Ўшанда радионинг “Ахборот” муҳарририяти бош муҳаррири, “Ғолибшернинг мағлуб “шер”га айланиши”дан кўнгли таскин топганлардан бири Анвар Абдувалиев раис муовини Ғ.Зиёевнинг нафақат саводсизлиги билан, балки телевиденияда кўп йиллар меҳнат қилган, катта тажрибага эга Кўзибой Ҳақимовнинг умрига зомин бўлган шахс эканлиги билан ҳам “машхур”лигини қаҳр-ғазаб ила таъкидлаганди. Бу билан унинг қотилликка қўл урганлиги, лекин шундай бўлса-да очикда юриши ажабланарли эканлигини алоҳида ургулаганди ва: “Бу “алоқа”дан чиққан раис А. Ходжаев билан унинг етаклаб келган командаси ижоддан, маънавиятдан мутлақо йироқ, улар жамоадаги муҳитни булғашаяпти, бу “монтёр”лардан қачон кутуларканмиз, ана шундай чаласаводлар бундай муқаддас даргоҳга қандай қилиб раҳбарлик лавозимларига келиб қолишаяпти?” дея афсус-надомат билан қайта-қайта ёзгирганди. Бирок, худди шу Анвар Абдувалиев кейинчалик... майли, бу ҳақда кейинги мақолаларнинг бирида албатта айтаман!

27.02.2014 й.
(давоми бор)



"Озодлик радиоси"нинг хабар беришича АҚШ Конгресси етакчилари президент Дональд Трампнинг юкори лавозимли маслаҳатчилари Трамп президентлик курсисига ўтиришидан аввал Москва билан алоқага чиққанини тергов қилади.

Сенатор Митч Макконнелл 14 февраль куни Сенат разведка қўмитаси Майкл Флинни тергов қилишини айтди. Оқ уйнинг миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси Флинн 13 февраль куни ўз лавозимига ўтиришидан аввал Россиянинг АҚШдаги элчиси билан алоқа қилгани учун истеъфо берган эди.

АҚШ матбуоти Трамп атрофидаги расмийлар Россия разведка хизматлари ходимлари билан бир неча марта мулоқот қилгани ҳақида хабар бериб келади. Конгресснинг Трамп маслаҳатчиларини тергов қилиш қарорига айнан шу хабарлар туртки бўлди.

Бу орада Оқ уй Трамп Флинн Москва билан ўрнатган алоқалари ҳақида хабардор бўлганини тан олди.

Ўтган ҳафтада Флинн Россия элчиси Сергей Кисляк билан Россияга қарши санкцияларни муҳокама қилгани ҳақида хабар тарқалди. Бундан аввал Флинн ҳам, вице-президент Майк Пенс ҳам собиқ маслаҳатчи Кисляк билан санкциялар ҳақида гаплашмаганини иддао қилишган эди.

Флинн: "Чегарадан чиққаним йўқ"

Флинн The Daily Caller сайтига 14 февраль куни берган интервьюсида Кисляк билан қилган суҳбатлари давомида "чегарадан чиқмаганини" таъкидлади. Флинн Кисляк билан Обама маъмурияти мамлакатдан чиқариб юборган 35 дипломат ҳақидагина суҳбатлашганини айтиди.

"Гап санкциялар ҳақида эмасди. Гап чиқариб юборилган 35 одам ҳақида эди. Содда қилиб айтганда, "Мен шундай бўлганини биламан. Ҳаммасини қайта кўриб чиқамиз", дедим. Мен "Санкцияларни қайта кўриб чиқамиз" ёки шунга ўхшаш гап айтганим йўқ", деди.

Аммо Reuters тарқатган хабарда ёзилишича, Флинн суҳбат давомида Кислякка Москва Обама санкцияларига ўхшаш жавоб қайтармаса, Трамп келганидан кейин Вашингтон ва Москва ўртасидаги алоқаларни тиклаш



Оқсаройда Флинн инқироzi

осонроқ бўлишини айтган.

АҚШ санкциялари эълон қилинганидан кейин Россия президенти Владимир Путин бунга жавобан ўхшаш санкция жорий қилмаслигини эълон қилди. Аксича, Путин АҚШ дипломатларини Кремлда янги йил байрамини нишонлашга чақирди.

Трамп маъмуриятининг Россия билан бўлган алоқаси ҳақида хавоирлар туфайли кўплаб америкалик сиёсатчи, жумладан, Республикачилар партияси аъзолари Трампнинг Россия билан бўлган алоқасини тергов қилишга чорламоқда.

АҚШ Вакиллар палатаси аъзоси Адам Шифф Трамп матбуотда юзага келган шов-шув туфайлигина Флиннга қарши чора кўрганини таъкидлади.

"Генерал Флинн уларни алдаб келаётганини бир неча ҳафта давомида билишган. Куни кеча унга бўлган ишончларининг йўқолишига сабаб бу нарса ҳаммага ошкор бўлди", деди Шифф.

ФҚБ интервьюси

14 февраль куни Оқ уй Федерал қидирув бюсори Флинни Кисляк билган қилган суҳбати ҳақида сўроқ қилганини тасдиқлади. Оқ уй яна АҚШ Адлия вазирлигидан Флинн телефон кўнғироқлари ҳақида оммага айтилган ҳамда резведка хизматлари эга бўлган маълумотлар ўртасидаги қарама-қаршилиқлар ҳақида огоҳлантирилганини тан олди.

Оқ уй матбуот котиби Шон Спайсер Флинн суҳбатлари қонунни бузмаганини таъкидлади. Унга

кўра, шунчаки унинг тутган йўли туфайли Трамп ҳамда Пенснинг унга бўлган ишончи озайган.

Аммо Оқ уйнинг бу изоҳидан Конгресс аъзолари қониқмади. Етакчи сенаторлар Боб Коркер ҳамда Жон Корнин Макконнеллнинг Флинни тергов қилиш талабини қўллади.

Сенатор Жон Маккейн Флинн истеъфога чиққани Трамп маъмуриятининг Путин Россиясига бўлган муносабати ҳақида савол туғдиришини айтди.

Конгресснинг демократ аъзолари масалани мустақил тергов қилишга ҳамда Трамп Флиннинг Россия билан қай даражада алоқада бўлганини аниқлашга чақирмоқда.

Сенатор Чак Шумер эса Флинн ҳаракатлари қонунга зид ёки зид эмаслигини тергов қилишга чақирди.

Вакиллар палатаси Назорат ва ҳукуматни ислоҳот қилиш қўмитаси аъзоси Элиа Каммингс Майкл Флиннинг истеъфоси ҳақида:

"Флинн Россия бизнинг демократиямизга ҳужум қилаётган бир пайтда рус расмийлари билан махфий тарзда мулоқот қилган. Флинн Россия ҳужумларига жавобан Қўшма Штатлар жорий қилган санкцияларни муҳокама қилиш орқали Лоған актини бузган бўлиши мумкин. Флинн нега бундай қилганини, нима учун Россияга ёрдам бериш учун жон куйдирганини билмаймиз. Эндликда истеъфога чиққанини биламан, аммо у бундай осонликча қутулмайди. Бир қанча саволга жавоб олишимиз керак".

Оқ уй матбуот котиби Шон Спайсер Майкл Флиннинг истеъфоси ҳақида:

"Бу вазиятнинг қизиқ томони, президент [Трамп] Россияга қатъий жавоб қайтарди. У аввалги маъмурият Россия эгаллаб олишига йўл очиб берган Қрим масаласини кўтариб чиқишда давом этяпти".

"Президент Трамп Россия ҳукумати Украинадаги зўравонликни тўхтатишини ҳамда Қримни қайтиб беришини хошлашини очиқ-ойдин айтиб келади".

"[Президент Трамп]нинг БМТга элчиси Никки Хейли илк иш кунида БМТ Хавфсизлик кенгаши олдида чиқиш қилиб, Россия томонидан Қримнинг босиб олинишини кескин қоралади".

УХХ ахборот бўлими

Адолатга бўлган ташналик...

Йиллар - шамолларда учган япроқлар каби учиб ўтиб кетаётир ҳаётимиздан. Ҳар кун – маълумотлар оқими. Ҳар йил - таълимотлар тақвими. Ҳар бир кун, ҳар бир йилдан ўзимизга яраша ахбор ва сабоқ оларак, олдинга қадам ташлаймиз.

Эзгу ҳаракатлардан мамнунлик ҳиссини туямиз. Лекин, бугун – дунё тараққий этаётган бир асрда баъзи мамлакатлардаги акс манзаралар – вайроналиклар, хароботлар, Ватанларидан айро тушаётган халқларнинг тақдири қалби ичра виждони тирик бўлган ҳеч бир инсонни бефарқ қолдирмайди...

Яна бир янги йилнинг дастлабки ойини орта ташладик... Утган йилларимизга бот-бот назар ташлар эканмиз, беихтиёр дунёни ларзага солган Сурия фожеалари хаёлга келаверади...

Ҳар қандай урушнинг зоҳирий кўринишлари қирғинбаротлар, вайроналар, қанча одамнинг ҳалок бўлганлиги билан намоён бўлади. Аммо урушнинг ички фожеаларини эса фақат бу ваҳшат ичида яшаганлар, қақшаганларгина биладилар, чуқур ҳис қиладилар.

... 6-7 ёшлардаги қизалоқнинг саволларга худди ҳаёт тажрибасига эга бўлган катта ёшли инсонлар каби жиддийлик, ўта вазминлик билан: "...Шоколадни, бугдой нонини кўрмаганимга кўп вақтлар бўлди. Гўшти ҳам... Дўконлар вайрон бўлган... Одамлар оч... Аммо сабр қиляптилар... Бу оғир кунлар Аллоҳнинг бизга юборган синов, имтиҳонидир... Маржумакдан нон пишириб еяпмиз бувим иккимиз... Аллоҳ бизга қўли кирланмаган инсонлар воситасида тоза таом, бугдой нони етказди бир куни... Аммо унғача ўлсам ҳам золимнинг қўлидан нон емайман, ҳатто уюғини ҳам озимга солмайман!" – дея салмоқли-салмоқли жавоб қайтаришларига қараб туриб, уруш ва адолатсизлик ҳатто болаларни ҳам нақадар тез улғайтириб қўйганлигига амин бўласан. Шугина мурғак қалбларнинг мусаффо қонларида оқаётган ҳикмат, ҳақиқат, соф бир иймон; умри бино бўлиб фитнакорлигу салтанат, маишату машваратдан бошқа нарсани билмай ўтиб кетаётган баъзи бир "катта"ларнинг ҳиссиз-шафқатсиз юрагига топилмаётганлигига ачинасан киши.

...2015 йили Туркиядаги Эге денгизи соҳилига тўлқинлар чиқариб ташлаган муҳожир болакай – Айлан воқеаси бутун дунёнинг бағрини тилиб, шафқатини ўртага чиқарган, кўпгина давлатлар қочқинларга нисбатан эшикларини кенг очгандек бўлган эди. Тезда халқаро анжуманлар уюштирилиб,

муҳожирларга нисбатан бағрикенг, марҳаматли бўлиш борасида келишувлар бўлаётганлиги ҳақида бонг урилганди. Катта рақамлардан баҳс этилди – баъзи мамлакатлар юз минглаб, ҳатто бир миллионга қадар муҳожир-қочоқларни қабул қилишга тайёр эканликлари ҳақидаги хабарлар янгради. Бундай ташаббуслар кўплаб муҳожирларнинг қалбига умидворлик ҳиссини уйғотганди. Аммо бу ҳаракат негадир бирдан сустлашиб, тўхтаб қолди. Аксарият давлатлар ўз сўзларининг амалиётига келганда оқсаб қолдилар. Нега? Не ҳол юз бердики, ҳаял ўтмай мусулмон мамлакатларидаги жабрдийдаларнинг юзларига яна эшикларини кимлардир таққиллатиб, кимлардир секингина ёпиб қўйдилар?... Бу ҳақда ҳеч ким ҳеч қандай тушунтириш бермади. Ташаббускор давлат раҳбарлари ҳам, оммавий ахборот воситалари ҳам бу мавзуга очиқлик киритишмади, кумга синган сув каби бирданига жимиб қолишди негадир... Сабаб?...

Жаҳон ОАВ ёйинлаган хабарларга таяниладиган бўлса, ҳозирга келиб бутун дунё бўйлаб қочқинлар сони бир неча ўн миллионларни ташкил этади. Қочқинларнинг аксарияти, йилларки, қақшатқич савашларни бошидан кечириётган Сурия, Афғонистон ва Ироқдан эканликлари айтилади.

Бирок, тинчлик ниқоби остида яшаётган баъзи мамлакатлардаги адолатсизликлар, зулмлар, диний ва сиёсий-ҳуқуқий чекловлар туфайли ҳам қочқинлар сони ортиб бормоқда...

Ўз Ватанидан қувғин қилинаётган ё-да Ватани, халқининг келажаги учун қайғуриб, ҳақиқатни сўзлашга журъат этгани сабаб зиндону зуғумлар билан қўрқитилган, ҳаётини, динини-иймонини асраб қолиш учун ҳижратга юз тутган оилаларнинг, саргардонлиги, маънавий ва руҳий жароҳатлари – кўнглининг ўйиқларига ҳеч нарса мукамал малҳам бўла олмайди...

Оxfam ташкилоти бултўр ёйинлаган маълумотга кўра, дунё аҳолисининг 1 фоизи эгалик қилувчи бойлик ер юзининг қолган 99 фоиз аҳолиси даромадига тенг экан. Шундай бир паллада Мадаё(Сурия)да қамалда қолган ўн минглаб одам очликдан ўлмаслик учун, ҳатто, дарахларнинг япроқларини ейиш даражасига борганлиги ҳақида даҳшатли хабар сайёранинг қулоғига урилди...

...Дунёнинг найрангини қаранг: аслида очларни эмас, тўқларни тўйдириш қийин бўлаётганга ўхшайди...

Credit Suisse тадқиқотларига таяналидиган бўлса, 2000-2009 йиллар орасида дунё аҳолисининг атиги 1% ини ташкил қилувчи бу

бойларнинг даромади - бойлик даражаси тушиб борган. Аммо, 2009 йилдан бошлаб бу рақам яна кўтарилга бошлаган.

Бирок, ниманинг ҳисобига?...

Қайдадир умид чечаклари бўлмиш болаларнинг дунёга тўя-тўя яшаши тўла таъмин этилмас экан, айни кунларда қирқ йилдан буён саҳрода қолаётган оилалар – замонавий ҳаётдан узилганларнинг халқаро ёрдамлардан ҳам умиди узилмаётган, Жазоир жанубий-ғарбидаги саҳрода ўн минглаб қочқинлар саҳро кумларини "баклашка"ларга тўлдириб, жон сақлаш учун ўзларига "уй" қуришга тиришаётган, Сурия ва Иордания ўртасидаги бетараф ҳудудда тиқилиб қолган саксон минг одам чодирларда ночор ҳаёт кечириётган экан, дунё бойларининг "шарафи"-ю, бойликларининг кадри нимага тенг?...

...Илоҳий қоидаларга жоҳилларча оёқ қўяётган бир тўп нафс бандалари гоҳ сиёсат номидан, гоҳ дин номидан "имзо" чекмаяптиларми адолатсизликлар, зулмлар, қирғинбаротларга?..

Бу даҳшатли манзаралар фониди оғир аҳволда қолган халқларнинг мусибатидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишни кўзлаётган, азиз жонларини ажал гирдобидан олиб қоцаётган жонларнинг ҳақлари бўлган осори атиқалар, қимматбаҳо буюмлару санъат асарларини тергилаб олиб чиқиб кетиб, соққага чевираётган майдакаш "аттор"лар ҳам кўзга ташланиб қолаётганлиги - оламнинг бўйи қай томонга оғиб, товони қай томонга шиддат билан тойиб кетаётганлигига ишорат бераркан, шуурингни хавотирли ўйлар чулғаб олади...

Ҳануз қаердадир болалар ўлапти – очликдан, хасталиқдан, зулмдан, савашдан, бошпанасизликдан... Чунки, ҳануз қаерлардадир хунрезликлар, тахт талошишлар, зулмлар, адолатсизликлар тўхтагани йўқ... Бу ва бунга ўхшаш минглаб оғриқли манзаралар дунёнинг юзсизлигини юзига ураётган мактуботлар-хужжатлар бўлиб қираётир тарихга...

Сиёсатдонлар эса, одатдагидек адолат, ҳақиқат, тинчлик ва тенглик ҳақида бонг ураётирлар...

Аммо, ҳинд мутафаккири Ваҳидиддин Хон таъкидлаганидек: "Сувга бўлган ташналик сув борлигига далолат қилганидек, адолатга бўлган ташналик ҳам, адолат борлигига далолат қилиши керак!!!"

ШАМСИЯ

Манба: facebook.com



Самимият турлари

1995 йил ноябр ойида Бокуда бўлиб ўтган ВВС радиоси журналистлари семинарида украиналик таниқли журналист Микола Вересень менга ўзини қизиқ бир кузатишини айтиб қолди, у бу кузатишини: "Сиз муслмонлар бир-бирларингиз билан самимий, муслмон бўлмаганлар билан эса, носамимий гаплашасизлар", қабилдаги сўзлар билан ифода қилди. Мен унга "агар биз сенга муслмонга муомала қилгандай муомала қилганимизда эди, сен бизни тушунмаган ва ҳатто биздан хафа ҳам бўлган бўлардинг, чунки, биз сенга минг йиллик анъаналарга таянган ўз ҳатти-ҳаракатларимиз ва калималаримиз ортида ётган мазмунни тушунтириб ўтириш мажбуриятида қолган бўлардик ва сўнг, бу ҳам етмагандай, сен бу изоҳларимизнинг ҳаммасини "ҳазм" қилиб, тушуниб етишингни яна минг йил ўтириб кутишимизга тўғри келган бўларди. Шу сабабли биз сенга сен учун тушунарли бўлган самимиятни кўрсатамиз ва бундан сен хафа эмас, хурсанд бўлишинг керак", деганимдан сўнг у хохлаб кулиб юборди ва бундай талқинни қабул қилиб, қўлимни самимий қисди.

Утган куни бу мавзуга доир, аммо юқоридаги воқеага моҳиятан том тескари бир яна бир ходиса гувоҳи бўлдим: 18 йил қамқода ётиб, озодликка чиққан акам Мухаммад Бекжон журналистларга берган интервьюсида ўз оғаси Мухаммад Солиҳ билан ҳаяжон туйғайли салом-алиқдан нариги ўтиб, дурустроқ гаплашолмаганини айтди - ака-уканинг 18 йиллик ҳижрони олдида ҳеч бир сўз етарлича ифода қувватига эга эмаслиги кундай равшан эди. Айниқса, туйғу ва унинг ифодаси ўртасидаги диссонансдан энг эҳтиёт бўлган одам ва унинг "хатим қисқа бўлди, она, сенинг уйқунг каби қисқа, аммо етар юзларингга боссанг.." ва ёки "мен сенга талпиндим, мен сенга чопдим ... ва ниҳоят топдим, аммо бир сўз ҳам айтолмай ёнингдан ўтдим" сингари эталонга айланган шеърый сатрлар муаллифи шоир Мухаммад Солиҳ учун бундай ҳолат кутилмаган ҳолат эмас эди.

Бу ҳолат икки соат бир ҳужрада жим ўтириб, охирида "жуда яхши суҳбат бўлди", дея тарқалиб кетган икки мутасаввуф ҳақдаги ривоятни эслатди менга. Яъний, самимиятнинг кўриниши эди бу ҳам. Қардош руҳларнинг самимияти, сўзларга эҳтиёж туймаган руҳларнинг самимияти эди бу...

Мақсуд Бекжон
25.02.2017

МХХ РАИСИ РУСТАМ ИНОЯТОВНИНГ ЯНА БИР АРЗАНДАСИ ҚУЛАТИЛДИ

"Озодлик" радиоси хабарига кўра, Тошкент шаҳар прокурорининг коррупция ва иқтисодий жиноятлар бўйича ўринбосари Мирағлам Мирзаев ўтган ҳафта ишдан олинган.

У Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев 9 феврал куни ўтган селектор йиғилишида ИИБ ва прокуратура тизимларини танқид қилгани ортидан ишдан олинган.

"Озодлик" манбасининг айтишича, Мирзаев пенсияга жўнатилган.

Мирағлам Мирзаев 2014 йил февралда марҳум президент Каримовнинг тўнғич қизи Гулнора Каримованинг уйида рейд ўтказишга санкция бергани билан танилган. Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик хизмати раиси Рустам Иноятовга яқин бўлган Мирағлам Мирзаев узок йиллар давомида Тошкент прокуратурасида мавқеи ўзгармасдан қолаётган ягона мулозим эди:

- Мирағлам Мирзаевни турмуш ўртоғи Муҳаббат Ҳасанова МХХ раиси Рустам Иноятовнинг хотини Флора Иноятова билан яқин дўст. Бу дўстлик боис Мирзаев 20 йилдан бери лавозимида мустаҳкам турган эди. Ҳозир ишдан олинди.

Мирзаевнинг ўғли Тошкент шаҳар МХХ сида ишлайди. Ўғлининг ҳам ишдан олинishi эҳтимоли бор, дейди манба.

Расман тасдиғини топмаган маълумотга кўра, Ўзбекистон Бош прокуратурасининг уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Улуғбек Хуррамов ҳам ишдан олинган. Хуррамов устидан жиноий очилган ва эҳтиёт шарти билан вақтинча ҳибс қилинган.

Ўзбекистон Бош прокуратураси матбуот хизмати вакили Гулноза Рахимова Тошкент шаҳар прокуратурасидаги кадр ўзгаришлари ҳақидаги "Озодлик"нинг телефон орқали саволини изоҳсиз қолдирди.

Тошкент шаҳар прокуратурасидаги энг таъсирли мулозимнинг лавозимдаги умрига нуқта қўйган 9 февралдаги мажлисда ИИБ Транспортдаги ички ишлар бошқармаси бошлиғи Рамзиддин Гаффоров, Андижон вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Дилшод Бобожонов ва Тошкент вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Азиз Бобоҳўжаевлар ишдан бўшатилган эди.

ЎХХ хабарлар бўлими

Бу шеър битилганига бугун
роппа-роса олти йил тўлди.
Меҳрибон Онам, дунёларга
алишгусиз Онаизоримни
тупроққа топширганимизга
ҳам... Онанг қандай ўлди деманг,
ҳеч сўраманг... Бу сир олис бир
қишлоқнинг сокингина ҳаётига
сингиб кетди, қўмилиб кетди... Бу
сирни кўрганлар, билганлар оғиз
очиб ҳақиқатни айтмадилар, айта
олмадилар, овулдан оширмадилар...
Миршабдан кўрқдилар...

Ҳақиқат шу эдики: Отадан эрта
етим қолган саккиз нафар қизни
оқ ювиб, оқ тараб, "Эркаклардан
қарз олма - таъмага қоласан,
аёллардан қарз олма - таънага
қоласан", - дея қўлидаги сўнги
сўмларини ҳам йўл пулию, таом
пули дея қизларига санаб бериб,
дуо билан ўқишларга қузатган, ўзи
юпунгина ҳаёт кечирган, ҳалоллик,
поклик, ростгўйликни ҳаётининг
мазмунини деб билган Онам...
бизларни ўқитиб, эл қаторига
қўшгунча ёлғиз боши билан не-не
азобларни бошдан кечирган, ҳам
Ота, ҳам Она бўлиб, еттигамизни
жой-жойимизга узатиб, ҳали
коллежда ўқиётган кенжамизни
ҳам олийгоҳда ўқитиб, яхши жойга
узатиш, неваралар тўйини-да
кўриш орзусида яшаётган, умри
бино бўлиб бировнинг ёқасидан
тутмаган, умр бўйи чеварлиги,
(рўмолча тўкишдан тортиб
кийим-кечак, каштали сўзаналар
тикишгача, тўн қавишдан тортиб
то турфа гиламлар тўкишгача,
бари-барини сидқидилдан пухта ва
гўзал бажарар эдилар раҳматли...) қўл
меҳнати ортидан элнинг
хизматини қилиб юрган, Яратган
Эгам томонидан гўё авлиёларнинг
сабридай сабр ато этилган, Ердай
оғир, Ердай вазмин, Ердай хокисор
ОНАМ - Волидаи мухтарамам,
водариғки, бир жоҳил, бир
ҳасадгўй оиланинг оёқлари остида
шафқатсизларча тепкиланиб,
дардманд бўлиб қолдилар, айниқса,
жигарлари ва юраклари...

Шундан сўнг Барчин келбатли
Онам чўпдай озиб-тўзиб, мунғайиб,
кичрайиб, чўкиб қолдилар, фақат ва
фақат дорининг кучи билан атиги
уч йилгина яшай олдилар, холос...

Бу ҳақиқатнинг тарихи узун...

Аммо бу ҳақиқатга гувоҳ
бўлганларнинг "тиллари
кесилган"....

Улар ҳақиқатни беркитиб,
қонунни алдашлари мумкин, аммо



Менинг эскирмаган дардларим...

МУҚАРРАР ҲИСОБ КУНИда
Оллоҳни алдай олишмайди!...

Аслан вовайло қилишни ёмон
кўраман. Ҳар неки тиласам,
Оллоҳдан тиладим... Ҳар қанча
йиғласам, Оллоҳга йиғладим...
Ҳар қанча сир айтсам, Оллоҳга
айтдим...

Умр деган дарёимда сокин
оқдим, жим оқдим...

Тўкилсам, қоғозга тўкилдим...

Аммо, кечиринг, яхшилар, бугун
миллатнинг улуғ адибларидан бири
ҳақидаги аччиқ ҳақиқатни ўқиб,
юрагим қаттиқ тилинди, лат еди.
Зеро, ҳақиқатнинг қиличи шундай
ўткир бўлади... Нақ юракни кесади...
Яна яраларим очилиб, кўнглим
қонаб кетди... Ёниб ётган ичимдаги
дарёларнинг иссиқ, қайноқ сувлари
икки кўзим қирғоғидан тошиб
кетди... Тўхтатолмадим... Узр, бугун
кўп йиғладим, узоқ йиғладим...

Ҳамма замонларда, ҳамма
маконларда ҳам илғор
фикрлайдиган, зиёли, иқтидорли,
халқнинг олдига тушиб, олдинги
сафларда борадиган фидойи
инсонларнинг кўксига жаҳолат
ханжарлари кўп бор қадалган...
Жаҳонда яхши от қолдирган,
миллатпарвар, инсонпарвар
инсонларнинг бари, бари кўз
ўнгимдан қатор-қатор ўтаверди,
йиғлайвердим... Уларнинг кўплари
ҳали мен дунёга келмасимдан неча
неча йиллар, асрлар аввал яшаб,
ўтиб кетган бўлса-да, барисини
ўзимга таниш олиб, эсладим ва яна
йиғладим... Зеро, улар инсонийлик

туйғулари, олийжанобликлари
ила менга таниш, қадрдон... Зеро,
уларнинг тақдири деярли бир хил:
бир-бирига ўхшаш, бир-бирига
уйқаш... Яратган Эгам буюк қалб
ато этган бандаларининг бошига
тушган буюк синовлар учун,
уларнинг аччиқ қисматлари учун
йиғладим... Айтилган ва айтилмаган
ҳақиқатлар учун йиғладим...

Бу кўхна дунё тарихида
тўғрисўзлиги, элпарварлиги учун
оломон томонидан қалтакланган,
сурғунланган, хўрланган, ҳатто
дорга осилган ШОИРлар кўп
бўлган. Аммо, шоир тукқанлиги
учун ҳасадга нишон бўлиб,
элпарварлиги учун оддийгина
бахона билан қалтакланиб,
ўлдирилган ва ўз ўлимига сабабчи
бўлганларни кечириб, "қўшнилари
билан адоватда юрманлар", дея
васият қилиб кетган олийжаноб
ОНАлар камдан-кам топилса
керак... Агар шундай ОНАлар
ер юзида учта ё иккита бўлса,
уларнинг бири, агар битта, бир
донагина бўлса ҳам, у менинг
маъсум, маъюс, маҳзун ва мунис,
манглайи шўр ОНАМдир...

Баъзан шеърларим учун
мақтовлар эшитсам, илк бор
қўлимга қалам тутқизган, мени
ижоднинг сирли оламига олиб
кирган, умри бевақт хазон бўлган
Отажонимни, "Отаннинг руҳини
мудом шод айла, қаламини ҳеч вақт
ерга ташлама!" дея доим ижодга
ундаб тургувчи мунис Онажонимни

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

эслайман. Уларнинг беминнат меҳрини кўмсаб, йиғлайман... "Шоирлигингизга ҳавасим келади", дейишса, табассум билан мамнуният изҳор қилмоқчи бўламан-у, ammo нигоҳларимни олиб қочаман, ичимдаги вулқон кўзларимдан отилиб чиқиб кетишидан кўрқаман... "Кошкийди бу шоирлик менга қанчалар қимматга тушганлигини билишса?..." Ич-ичим йиғлайди... Зор-зор йиғлайди...

Шу йиғилар шаштида раҳматли Онам, жоним Онамнинг аччиқ қисматига дахлдор ҳақиқатнинг бир қирраси ҳам бугун отилиб чиқди...

Йўқ, ҳеч кимга арзим йўқ... Ҳеч кимдан гинам ҳам... Ҳеч кимга таънам йўқ... Ҳеч кимдан таъмам ҳам...

Фақат биргина ўтинчим бор Сиздан, яхшилар: агар қачонки қай бир сатрларим кўнглингизни "жиз" эткизолса, мен ҳатто сўнгги йўлга ҳам кузатолмаган, бугун эса бешафқат чархнинг ҳукми ила муҳожиротнинг аччиқ аламларини чекаркан, ҳатто қабрларини ҳам зиёрат этишдан маҳрум бўлганим - Онамни дуо қилинг, мунис Онамни, Отамни дуо қилинг, ҳоксор Отамни!...

ШАМСИЯ

2015 йил, 7 январ.

* * *

АРМОН
(Туркум)

1.
Онажон,
Биламан, Сиз энди қайтиб келмайсиз,
Қайта тирилмайсиз, қайта ўлмайсиз.
Оғир дамда ёнгинамда бўлмайсиз,
Сизнинг ёнингизда бўлгим келяпти...

Келсангиз, одамдай кузатолмадим,
Шохона дастурхон тузатолмадим.
Ҳатто сўнгги йўлга кузатолмадим,
Камим кўпдир... бугун тўлгим келяпти...



Тўлиб кетдим... тошдим... йиғладим қалқиб,
Жон ипим тортилиб, қабоғим салқиб.

Кетар чоғингизда пойимдан тортиди,
(Сизга етолмадим, етолмадим-а...)
Йўлларнинг юзини юлгим келяпти...

Бўзларим бўғзимда, оғзимда кўлим,
Онажон, чинданам роҳатми ўлим?...
Қабрингизда турган гуллардай сўлим,
Маъсум ва чиройли сўлгим келяпти...

Дунёлар кўрс экан... дил ёмон чўкди,
Фуруримни тўкди, кадримни тўкди.
Онажон, бир зарра тўкилмай ўктам,
Сиздек мардонавор ўлгим келяпти...

Биламан, Сиз энди қайтиб келмайсиз,
Қайта тирилмайсиз, қайта ўлмайсиз.
Оғир дамда ёнгинамда бўлмайсиз,
Сизнинг ёнингизда бўлгим келяпти...
Онажон!...

2.
Ҳадеганда холингизни сўрай олмадим,
Кексайдингиз... Оқ сочингиз тарай олмадим.
Рўз Фор ютди мени.. сизга қарай олмадим,
Бағрингизга ботган зардоб-зардча бўлмадим.
Онам-а, онам...

Тузлуғингиз тотлиғ эди... тотиндим, кетдим,
Орзуларнинг оқ рўмолин

ёпиндим, кетдим.
Бир палахмон тош эканман, отилдим, кетдим,
Кўксингизни симиллатган дардча бўлмадим.
Онам-а, онам...

Олис кетдим... Букилдингиз... Менсиз, беасо,
Она, сизга айлолмадим, жонимни нисор.
(Дунё деганлари шундай экан – норасо...)
Интилдим-у, бўлолмадим ҳеч егук, расо,
Йўлда Сизни суяган ёт мардча бўлмадим.
Онам-а, онам...

Мен ўзимча Увайсийга ўхшагим келди,
Тўмарисдек бағрим юртга тўшагим келди,
Бу дунёда буюк бўлиб яшагим келди,
Лек буюклар пойидаги гардча бўлмадим,
Йўлда Сизни суяган ёт мардча бўлмадим...
Онам-а, онам...

3.
Йиллар мени йикди, Онажон, Сочларимга кўнди илк қиров.
Вақт ер экан ҳамма нарсани, Биров билар, билмайди биров.

Ҳатто баланд-баланд тоғлар ҳам Чўққисидан нари ўтмаскан.
Тик қолмоқ ҳам жасорат экан,
Бу саботга ҳар ким етмаскан...

Сўзларимнинг зарофатини Беманзират луқмалар кесди.
Ҳаёлимнинг учқур отини Учунтирган бўронлар эсди...

Рухнинг зангор водийларига Саратонлар кирди сарғайиб.
Кузакларнинг жиддийлигидан Қаҳратоннинг қаҳри-да майиб...

Йиллар мени йикди, Онажон, Улғайтириб қўйди ўйларим.
Шу навқирон ёшимда баъзан, Нуронийга ўхшаб сўйладим.

Ким кулди, ким қотирди энса, Ким мактади, кимдир алқади.
Она, қора қайғуингизни Ошпок умрим билан оқлагум!...

(2009 йил.)
ШАМСИЯ



Алмазбек Атамбаевнинг ўзбекларга нафрати Азимжон Асқаров мисолида намоён бўлмоқда

"Озодлик" радиосининг хабар беришича, шу кунларда Европа Иттифоқи қароргоҳи жойлашган Брюсселга сафар қилган Қирғизистон президенти Алмазбек Атамбаев 2010 йилги Ўш воқеаларида айбланиб умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган этник ўзбек ҳуқуқ фаоли Азимжон Асқаров қамоқдан бўшатилмаслигини айтди.

Озод Европа-Озодлик радиосининг Брюсселдаги муҳбири Рикард Жозвиакнинг 16 февраль куни билдиришича, Атамбаев билан учрашувда Европа Кенгаши президенти Дональд Туск ва Европа Иттифоқи ташки сийсат мутасаддиси Федерика Могерини Азимжон Асқаров масаласи билан қизиққан.

-Могерини ҳам, Туск ҳам Асқаров масаласига қизиқиш билдирди. Асқаров масаласи узоқ муҳокама қилинди. Улар Атамбаевни бу масала юзасидан бирор чора қўллашга чақиришди. Атамбаев бу масалага ҳассос ёндошиб, бу масала ҳал этилганини, Асқаров қамоқдан бўшатилмаслигини айтибди, - деди Рикард Жозвиак.

АҚШ ва бир қатор халқаро ташкилотларнинг мукофотлари билан тақдирланган Азимжон Асқаров Ўш воқеаларида айбланиб 2010 йилда қўлга олинган ва умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Лекин ўтган йил апрелида БМТ Қирғизистон Асқаровни озод қилиши кераклиги тўғрисида қарор қабул қилгач, Олий суд бу ишни қайта кўриб чиқиш учун Чуй вилоят судига жўнатган эди.

Чуй вилоят суди Асқаров ишини 4 ой давомида қайта кўриб чиқиб, 28 январда унга нисбатан чиқарилган умрбод қамоқ жазосини ўз кучида қолдирган. Атамбаевнинг Брюссель сафари олдидан 15 февраль куни қароргоҳи Парижда жойлашган Ҳуқуқ фаолларини ҳимоя қилиш халқаро ташкилоти халқаро ҳамажмиятга қилган мурожаатида қирғиз судининг бу қарорини "одил судловни масҳара қилиш" сифатида баҳолаган эди.

-Азимжон Асқаров ишини судда қайта кўриб чиқилиши одил судлов эмас, балки "шоу" бўлди. Суд жараёнида БМТнинг Қирғизистон ҳукуматида қўйган талабларидан бирортаси ҳам бажарилмади, - деди Ҳуқуқ фаолларини ҳимоя қилиш халқаро ташкилоти расмийси Юлия Уанен. Азимжон Асқаров масаласи 2012 йилда президент Атамбаевнинг Германияга қилган сафари доирасида Германия канцлери Ангела Меркел ҳамда 2013 йилнинг сентябрида Брюсселда Европа Иттифоқи расмийлари билан ўтган учрашувлари чоғида ҳам кўтарилган. Ушанда президент Алмазбек Атамбаев Азимжон Асқаровни оқлаш учун ҳеч қандай сабаблар мавжуд эмаслиги тўғрисида баёнот берган эди.

Азимжон Асқаровга 2015 йили АҚШ Давлат департаментининг "Инсон ҳуқуқлари фаоли" мукофоти топиширилган. Шундан сўнг Бишкек ҳукумати норозилик сифатида Вашингтон билан имзоланган ўзаро ҳамкорлик шартномасини бекор қилган эди.

ЎХХ хабарлар бўлими

Ўзбекистонда 12800 диний маҳбус бор

Халқаро диний эркинлик бўйича АҚШ комиссияси (USCIRF) дунёдаги диний эркинликка оид янги ҳисоботини чоп этди ва унда Ўзбекистонни яна "алоҳида хавотирга молик мамлакатлар" қаторига қўйди. Ҳужжатда мамлакатда "диний асосларда 12 800 қамалган маҳбус борлиги ва улар кўпчилигининг қийноқлар хавфи остида" экани қайд этилган.

Ҳисоботга кўра, 84 та диний маҳбус изоляторда сақланмоқда. Муаллифлар, Россия, Туркия, Европа ва АҚШдан қайтиб келган меҳнат муҳожирларининг 2015 йилда "Исломи давлат" гуруҳига алоқадорликда гумон қилиниб оммавий ҳибсга олинган, улардан камида 200 нафари тақдири номаълум қолмоқда.

"Ҳукумат маҳбусларнинг аксарияти «вахобий» ёки "жиходчи" экстремистик гуруҳлар билан боғлиқ, деб қайд этмоқда, лекин, кўпинча ҳеч қандай далилларни келтирмайди", дейилади ҳисоботда. "Ўзбекистон ҳукумати иддаоларига қарамай, қамоқхоналарда қийноқлар ҳали давом этмоқда, улар тергов ҳибсхоналарида ва милиция участкаларида ишлатилмоқда ва хабарларга кўра, улар таҳдид ёки зўрлаш, шу жумладан, номусга тегиш ва противогазлардан фойдаланишларни ўз ичига олади», - дейилади ҳужжатда.

Муаллифлар Ўзбекистон ҳукуматини диний эркинлик бўйича БМТнинг махсус маърузачи ташрифларига розилик бериш, шунингдек, бундай ташрифлар учун зарур шарт-шароитни таъминлашга чақирмоқда.

Ўзбекистондаги диний мотивлар асосидаги маҳкамалар, тергов ва ҳибсларни кузатиб келаётган Муствақил ҳуқуқ ҳимоячилари ташаббус гуруҳи раҳбари Суръат Икромов АҚШ комиссияси ҳисоботида тилга олинган хавотирларни тасдиқлади.

"Аслида ҳозирга келиб, диний-сиёсий мотивлар асосида қамалган маҳбуслар сони 14 мингдан ошди. Уларнинг аксари, ростдан ҳам, қийноқ хавфи остида. Биз қийноқлар ҳалиям қўлланилаётганини айтиб келганмиз ва ҳар доим исбот-далиллари билан тақдим қилганмиз. Чунки, маҳкумлар суд залида қийноққа тутилгани ҳақида кўрсатма берган, қўйлагини ечиб, қийноқ изларини кўрсатган пайтлар бўлади ва биз бу ҳолатларни жиноят иши, терговчи ва судьяларнинг исм-фамилиялари билан тарқатганмиз. Ҳаммаси бизнинг ва куч ишлатар идораларнинг архивида турибди", деди фаол Озодлик билан суҳбатда.

Манба: "Озодлик" радиоси

"ERKIN YURT"
интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Муҳаррир: Нурбек Саломов